

## АХБОРОТ– КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

***Аннотация:** Мазур мақола бугунги кундаги олиб борилаётган Ўзбекистондаги инновацион сиёсат ва унинг устувор йўналишлари, иқтисодиётга ахборот–коммуникация технологияларининг ўрни ва иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнлари ёритилган.*

***Калим сўзлар:** Ахборот– коммуникация технологиялари, инновация, инновацион жараён, Ўзбекистоннинг инновацион сиёсати.*

Бозор иқтисодиётидаги рақобат муҳити инновацион ривожланиш жараёнларини ташкиллаштиришда инновацион жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини алоҳида ўрганиб чиқиш заруриятини тақозо этди. Глобаллашув жараёнининг кенг тус олиши натижасида жамиятни ахборотлаштириш рақамли иқтисодиётни ривожланишига олиб келди. Жамиятдаги ижтимоий– иқтисодий муҳитни ўзгариши, ахборотлашган жамият, ахборотлашган иқтисодиёт ахборотнинг қийматини ижтимоий– иқтисодий ҳам сиёсий муҳитдаги ўрнини ошиб боришига туртки бўлди. Жамият ва иқтисодиётдаги бундай ўзгаришлар эса ўз навбатида ахборот– коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси ривожланиш, бу соҳадаги таркибий ўзгаришлар, яратилган инновацион муҳит ва инновацион жараёнларнинг ўзгариш тенденциялари билан бевосита алоқадор.

Глобаллашув даврида интернет ривожланиши билан АКТ соҳаси ривожланиши жадаллик билан амалга ошмоқда. АКТ ни иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилиши жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ҳолатини такомиллаштириш, иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Бугунги кунда Интернет глобал тармоғининг катта суръатларда ўсиши аҳолининг кенг қатламларида компьютер саводхонлиги даражасини ошишини, телекоммуникация, компьютер техникаси ва бошқа янги турдаги алоқа воситаларининг ҳамда глобал тармоқ орқали ахборот алмашилишининг самарали воситалари кенг оммалашшига олиб келди. АКТ ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири борасида кўплаб олимларни тадқиқотларини келтириш мумкин, хусусан, Х. Сепердост фикрича АКТни иқтисодий ўсишга таъсирининг моҳияти шундан иборатки, АКТдан фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли иштирокчилари ахборотни тез ва осон қўлга кирита олишларидадир[1]. АКТ компанияларга тезроқ алоқага чиқиш имконини беради ва бу билан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, ишлаб чиқарувчанликни ошишига сабаб бўлади [2].

Шу билан бирга АКТ янги бозорларга чиқиш имконини яратади, капитал харажатларни қисқартиради, натижада молиявий бозорлар фаолиятининг самарадор–лигини оширади, даромад ва самарадорликдаги минтақавий тафовутларни камайтиради ва қисман инсон капиталига боғлиқ муаммоларни хал этади [3]. АКТ соҳасини модернизация қилиш ва инновацион жараёнларни ривожлантириш интернет ва кенг полосали алоқадан фойдаланишни янада такомиллаштиради ва бу ўз навбатида электрон ҳукуматни қурилишини, ҳукумат бошқаруви самарадорлигини оширишни таъминлаб беради. Шу билан бирга АКТни хусусий секторга кенг тарқалиши давлат

томонидан рағбатлантирилиши керак, бунинг учун бир қатор сиёсий тадбирлар, солиқларни камайтириш, электрон тижоратни силжитиш ва телекоммуникация инфратузилмаси ва сервисларини ривожлантиришда В2С ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади. Сабаби янги технологиялар инновацион жараёнларни ишлаб чиқиш, жорий этишни жадаллаштиради ва рақобатбардошликни таъминлайди, ҳамда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади [4]. АКТ соҳаси инновациялар ҳисобига технологик мустақамликка эришса бу мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини оширишга имкон беради [5].

Фикримизча, АКТ соҳасида инновацион жараёнлар ривожланишининг иқтисодий моҳияти юқоридагилар билан бир қаторда АКТ соҳаси мамлакатнинг турли соҳаларида харажатларни камайтиришга, самарадорликни оширишга, янги иш ўринларини шакллантиришга олиб келади.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевни инновациялар ҳақидаги гапларини келтириб ўтсак: “Халқимиз дунёқарашада инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан– техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”[6]. Бу сўзларни тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ– 5264– сон [Фармони](#)ни келтиришимиз мумкин. Вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий–техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади, ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб– қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Олиб борилаётган ислохотлар ва қабул қилинаётган қарор ва фармонлар бўлиши инновацион фаолиятни ривожланишига туртки бўлади албатта, бироқ “инновацион фаолият” тўғрисидаги қонун қабул қилиниши инновация тўғрисидаги асосий тушунчалар ва уларни бошвариш, тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқилиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этар эди.

Инновацияни барча соҳаларга жорий этилиши аввалом бор инновацион яратувчанлик муҳитини қай тартибда ташкил этилганлигига, бошқарувга ҳамда тартибга солинганлигига боғлиқ. Инновацион яратувчанлик муҳити ҳар бир соҳага ўзига мос ҳолда ёндошувни талаб этади. АКТ соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. АКТ соҳасида инновацион жараёнларни ўрганиб чиқиш учун авваломбор инновация, инновацион фаолият, инновацион жараёнлар тушунчаларини ўрганиб чиқамиз ва шу билан бирга АКТ соҳасини ўзига хос хусусиятларини келтириб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилнинг 7 апрелида қабул қилинган “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунга мувофиқ инновация бу фуқаролик муомаласига киритилган ёки ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган шундай янги ишланмаки, уни амалда қўллаш муҳим ижтимоий– иқтисодий самарага эришишни таъминлайди. Шу билан бирга қонунда инновацион инфратузилма тушунчасига таъриф берилган бўлиб, инновацион фаолиятни моддий техник, молиявий, ташкилий–услубий, ахборот, маслаҳат ва бошқа қўллаб қувватлашни амалга оширадиган ҳар қандай мулк шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва уларнинг

бирлашмалари мажмуи тушунилади. Инновацион лойиха деганда – бу янги ишланмалар яратиш учун муддатлар, ижрочилар, маблағ манбалари ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутадиган чора тадбирлар мажмуидир.

Ахборот технологиялари инновациялари таркибидаги фойдаланувчи интерфейсга кўра инновацияларга фойдаланувчи интерфейс, иловали интерфейс, тизимли интерфейслар, командалари интерфейслардаги инновациялар киради. Соҳаларда хизмат кўрсатиш турига кўра инновациялар молия, суғурта, статистика тизимида, бошқарув тизимида жорий этиладиган инновациялар киради. Маълумотларни қайта ишлаш туридаги инновацияларга маълумотлар базасини бошқарув тизимидаги инновациялар, эксперт тизимлардаги инновациялар, мультимедиа технологияларидаги инновациялар ва бошчаларни келтириш мумкин. Интерактив режим фаолиятидаги инновацияларга иловали, тизимли, командалари интерфейсларга жорий этиладиган инновацияларни келтириш мумкин.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Sepehrdoust, H. Impact of information and communication technology and financial development on economic growth of OPEC developing economies. *Kasetsart J. Soc. Sci.* 2018

2. Meijers, H. Does the Internet generate economic growth, international trade, or both? *Int. Econ. Econ. Policy* 2014, 11, 137–163.

3. Pradhan, R.P.; Mallik, G.; Bagchi, T.P. Information communication technology (ICT) infrastructure and economic growth: A causality evinced by cross– country panel data. *ПМВ Manag. Rev.* 2018, 30, 91–103

4. Barro, Robert J. 1998. *Determinants of Economic Growth: A Cross– Country Empirical Study.* Cambridge: MIT Press. Barro, Robert J., and Xavier Sala– i– Martin. 1995. *Economic Growth.* New York: McGraw– Hill, vol. 21, pp. 895–98. Dewan, Sanjeev, and Kenneth L. Kraemer. 2000. Information technology and productivity: Preliminary evidence from country– level data. *Management Science* 46: 548–62.

5. The impact of information and communication technology on economic growth: evidence from developed and developing countries. Ayoub Yousefi. *Journal Economics of Innovation and New Technology.* Volume 20, 2011 Issue 6 (<https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/10438599.2010.544470>)

6. <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-khal-imiz-dunye-arashida-innovatsiya-mu-it-02-12-2017>